

ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯНИНГ МАНБАЛАРИ, МЕТОДОЛОГИК  
АСОСЛАРИ ВА ТУРЛАРИ

А.А. Озодхонов.

ЎзДЖТСУ, 3 – курс талабаси.

Панаева У.Н.

Илмий раҳбар, Ўқитувчи., ЎзДЖТСУ.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14864691>

*Аннотация.* Уибу мақола мамлакатимизда спорт соҳасида амалга оширилаётган ислоҳатлар ҳамда жисмоний тарбия ва спорт янги педагогик технологиялар хақида фикр юритилган.

*Калим сўзлар:* Жисмоний тарбия, спорт ва туризм соҳаси, “Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида кадрларни тайёрлаш ҳамда илмий тадқиқотлар тизимини янада тақомиллаштириши чоратадбирлари тӯғрисида”ги қарори.

SOURCES, METHODOLOGICAL FOUNDATIONS AND TYPES OF  
PEDAGOGICAL TECHNOLOGY

*Abstract.* This article discusses the reforms being implemented in the field of sports in our country and new pedagogical technologies in physical education and sports.

*Keywords:* Physical education, sports and tourism, Resolution "On measures to further improve the system of training personnel and scientific research in the field of physical education and sports."

ИСТОЧНИКИ И МЕТОДИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ПЕДАГОГИЧЕСКОЙ  
ТЕХНОЛОГИИ И ТИПЫ

*Аннотация.* В данной статье рассматриваются реформы, реализуемые в сфере спорта в нашей стране, а также новые педагогические технологии в физическом воспитании и спорте.

*Ключевые слова:* Физическая культура, спорт и туризм, Постановление «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы подготовки кадров и научных исследований в области физической культуры и спорта».

Таълим мазмунини ўзлаштиришда ўқувчиларнинг билим савияси, ўзлаштириш қобилияти, таълим манбаи, дидактик вазифаларига қараб, муносиб равища оғзаки,

күргазмали ва амалий каби уч гурухга бўлинадиган методларнинг қуидаги варианtlари кўлланилади:

- ўқитишининг маъруза (сухбат) методи;
- ўқитишининг амалий ишлар методи;
- лаборатория ишлари методи;
- мустақил ишлар методи;
- муаммоли-эвристик моделлаштириш методи;
- илмий-тадқиқот методлари;
- ўқитишининг муаммоли-изланиш ва репродуктив методи;
- ўқитишининг индуктив ва дедуктив методи;
- ўқитишининг назорат ва ўз-ўзини назорат қилиш методи.

Юқоридагиларга асосланган ҳолда шуни айтиш мумкинки, таълим

муассасаларида янги педагогик технологиялар, замонавий ўқитиш услубларидан фойдаланиб, жаҳон талаблари даражасида ўқувчи ва талабаларни ўқитиш мумкин. Педагогик мулоқот деганда, одатда, ўқитувчининг ўқувчи билан дарс мобайнида ва дарсдан ташқари бўладиган аниқ педагогик функцияларга эга ва қулай психологик муҳитни яратиш, шунинг билан бирга, бошқа хилдаги психологик оптимал илмий фаолият ва педагог билан ўқувчилар учун ўртасидаги муносабатлар учун йуналтирилган профессионал мулоқот шакли тушунилади (А.А. Леонтьев).

Бошқарув услублари бўйича биринчи экспериментал психологик изланишлар 1938 йилда немис психологи Курт Левин томонидан АҚШда эмиграцияланган нацистларнинг Германия худудига қайтиши давомида ўтказилган. Бу изланишда бошқарув услубарининг кенгайтирилган класификацияси сифатида авторитар, демократик ва эътиборсизлик ёки лаёқатсизлик услублари киритилган эди. Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, К. Левин келтирилаётган бошқарув услублари бўйича ўзининг буюк тадқиқотини муаллимларнинг мактаб ўқувчилари устидан олиб борадиган бошчилигини ўрганган ҳолда ўтказган эди. Ўзининг экспериментида К.Левин ўн ёшга тўлган мактаб ўқув чиларини бир неча гурухларга бўлди. Бу гурухлардаги болалар бир хил машғулот билан, яъни қўнғироқ ясаш билан шуғуландилар. Экспериментнинг ҳаққоний ўтказилиши максадида гурухлар умумий ва хусусий белгилари бўйича, ёшижисмоний ва интеллектуал кўрсаткичлари, ўзаро шахсий муносабатлар тизими ва бошқаларнинг айнан мос келишига қараб ташкил этилди. Ундан ташқари барча гурухлар бир хил шарт-

шароитларда умумий дастур бўйича ишладилар, бир хил вазифани бажардилар. Фақатгина инструкторлар ёки бизга яқин термин билан айтганда, муаллимлар ўзларининг бошқарув услублари бўлмиш демократик, авторитар ва эътиборсизлик ёки лаёқатсизлик каби услубларда гуруҳлар фаолиятини олиб бориши билан фарқланадилар. Ҳар бир муаллим ўзига бириктирилган гуруҳ билан олти ҳафта ишлади. Ундан сўнг ўзаро гуруҳлар алмашинуви амалга оширилди. Бу гуруҳлар билан яна олти ҳафталик иш кунлари йўлга қўйилди ва яна янги гуруҳ билан алмашиш амалга оширилди. Бундай жараён экспериментни имкон қадар тўғри йўлга қўйилишига катта ёрдам берди. Ундан ташқари, юқорида келтирилиб ўтилганидек, гуруҳлар умумий ва хусусий белгиларга кўра, айнан мос келишига қараб ташкил этилган эди, шунинг билан бирга, ҳар бир муаллим ҳар қайси гуруҳ билан яна қўшимча равишда иш олиб борди.

Натижада гуруҳ омилининг таъсири эмас, балки айнан бошқарув услубарининг гурухда ги ўзаро муносабатларга таъсири, фаолият мотивацияси, меҳнат натижалари ва бошқаларнинг таъсири кузатилади. К. Левин томонидан ўтказилган экспериментда аниқланган ўқувчилар билан бўладиган мулоқотнинг у ёки бу хусусиятларини қисқача келтириб ўтамиз. Авторитар услубнинг характерли томони сифатида ундаги қаттиққўл бошқарув ва умумий назорат кўпроқ муаллимнинг бошқаларга нисбатан буйруқ овозида муносабатларга киришишига ва тез огоҳлантиришлар беришига олиб келишида кўриш мумкин. Шунинг билан баъзи иштирокчиларга нисбатан сабабсиз огоҳлантиришлар ва бошқаларига эса асоссиз мақтovлар ёғдирилиши кузатилади. Авторитар муаллим фаолият ва вазифанинг умумий мақсадларинигина эмас, балки у кимнинг ким билан ишлашини кўрсатиб, унинг ечилиш йўлларини ҳам белгилаб берди. Вазифалар ва уларнинг ечилиш йўллари босқичма-босқич амалга оширилиши белгиланди. Бундай ёндашув инсон фаолиятида муайян мақсадни бажаришга сабаб бўлувчи омил ролини пасайтиради. Чунки инсон бунда ўзининг фаолиятидан кутилаётган мақсадни, яъни ушбу босқичнинг нима учун бажарилаётганлигини ва олдинда уни нима кутаётганлигини аник билмайди. Ундан ташқари фаолиятни босқичма-босқич тартибга солиш ва назорат қилиш ишлари шуни кўрсатдики, ўқитувчининг иштирокчилар билан бўладиган муносабатида унинг мустақиллиги ва жавобгарлиги суст ёки бу хусусиятларнинг унда паст даражада эканлиги кузатилди. Ўқитувчи томонидан амалга ошириладиган ташаббус йўқолиб, у худди кераксиз хоҳиш сифатида қаралади. К. Левиндан сўнг амалга оширилган изланишларнинг

кўрсатишича, ташаббус гў ёки авторитар ўқитувчининг ишонч ваколатини кисқартирап экан. Айтайлик, кимдир ишни бошқачароқ ташкил этишни таклиф қилса, демакки у бу нарсани олдиндан кўриб чиқмаганлигига шаъма қилаётгандек туюлар экан. Шунинг билан бирга, маълум бўлишича, авторитар лидер иштирокчилар муваффакиятини субъектив тарзда баҳолар экан.

Демократик ўқитиш услубида шахс эмас, балки фактлар мухимлиги тан олинади. Аммо демократик ўқитиш услубининг асосий хусусияти сифатида гурухнинг ўртача ташланган масала мухокамасида ва унинг ташкил этилишида фаол иштирок этилиши қаралади. Натижада иштирокчиларнинг ўзига бўлган ишончи ошади ва ўз-ўзини бошқариш ҳисси рағбатлантирилади. Бу услубда гуруҳдаги ўзаро муносабатлар яхши келиша олиш тарзида давом этади ва бир-бирига бўлган ишонч кучаяди. Ўқитишда бошқарувнинг лаёқатсизлик услубининг асосий хусусияти сифатида раҳбарнинг бўлиб ўтадиган воқеа-ҳодисага нисбатан жавобгарлик ҳиссидан ўзини олиб қочишини кўрсатиш мумкин.

Натижаларнинг кўрсатишича, энг ёмон услуб лаёқатсизлик услуби бўлиб чиқди. Бу услубда вазифалар оз бажарилиб, уларнинг сифати ҳам ёмон эди. Энг мухими, бундай гурухда ҳеч қандай жавобгарлик ҳисси бўлмаганлиги ва вазифалар мураккаб бўлмаган қандайдир ўйинни эслатгани туфайли иштирокчилар унга кам даражада қизиқиш ҳосил қилдилар. Авторитар услубда ўқитувчи билан келишишда кўпгина жанжаллар пайдо бўлиши кузатилди. Энг самарали услуб сифатида демократик услуб тан олинди. Гурух, иштирокчилари учун бу ерда характерли хусусият бўлиб вазифага қизиқиш ва ички фаолият мотивацияси хизмат қиласи. Вазифаларнинг бажарилиш сифати ва аниқлиги ошди. Шу билан бирга, гуруҳ қобилияти, эришилган умумий муваффакиятлар устидан ғурур туйғуси, ўзаро кўмаклашув ва дўстона муносабатлар кучайди. Бу натижалар кейинчалик амалга оширилган изланишлар асосида кўп марта тасдиқланди. Педагогик мулоқотда демократик услубнинг афзаллиги қуи синф ўқувчиларидан бошлаб юқори синф ўқувчиларигача бўлган турли гурухларда исботланди. Шу нарса ҳам маълум бўлдики, биринчи синф ўқувчиларида ўқишининг иккинчи ҳафтасида ёк мактабга ва ўқишига бўлган иштиёқнинг тез суръатларда сусайиши айнан авторитар ўқитувчилар бошчилик қилган гурухларда кузатилар экан. Шундай қилиб, мактаб ҳаётида ва билим олишда ўқитувчиларнинг ўқувчилар билан бўладиган мун осабатлари мухим ролни ўйнаши аниқланди. Адолат мезонига асосланган ҳолда айтиш лозимки, замонавий

социал психологиянинг тасди қлашича шунаقا ҳолатлар ҳам бўладики, баъзида авторитар услугуб энг фойдали ва ма қбул бўлиб чиқади. Лекин, одатда кўпроқ педагогик мулоқотда бу қоида эмас, балки истиснодир.

Бир сўз билан айтганда, таълим жараёнига янги ёндашиб, ижодкорлик, бунёдкорлик татбиқ этилсагина ва педагогик фаолият жараёнлари методологик ҳамда психологик жиҳатдан тўғри ташкил қилинганида таълим самараси янги босқичга кўтарилади, яъни:

- боланинг талаби, мойиллиги, истак -хоҳиши унинг имкониятлари даражасида қондирилади;
- ўқувчининг ўқув меҳнатига масъулияти, жавобгарлиги ва бурчи ошади;
- билимларни мустақил эгаллаш малакалари шаклланади;
- у умр бўйи ўз билимини унинг ўзигина бойитишига ишонч пайдо бўлади;
- эркин фикрлаш малакаси шаклланади;
- шахс жамиятда ўзининг ўрнини тезроқ топиб олишига муҳит яратади.

Бунинг учун биз ўқувчига «Сен буни билишинг керак», деган мажбурловчи даъватдан «Менга бу зарур ва мен б уни билишга, уни хаётда қўллашга қодирман», деган ички ишонч ва интилишни уйғотишга ўтишимиз керак. Шу муносабат билан доимий ҳаракатдаги янги педагогик технологиялар бўйича ташаббускор инновацион гурухлар ташкил этилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Хулоса қилиб айтганда, замонавий педагогик технология таълим жараёнида хукм сураётган инқироздан қутилишнинг ягона ва бош мезонидир.

Педагогик технологиянинг умумпедагогик, хусусий ва кичик даражалари фарқ қилинади. Бундан ташқари, сезги аъзолари орқали билим олишни ифодалайдиган эмпирик, моддий ва маънавий олам ҳақидаги билимларни кенгайтирувчи когнитив, ижодий фаоллик ва ўқув-изланиш меҳнатига асосланган эвристик, тадқиқот ва янгилик яратиш фаолияти билан боғлиқ креатив, ахборот ва маълумотларни қайта ишлаш ва ўзgartириш эвазига таълим-тарбия берувчи инверсион, ўзлаштирилган билимларни омихталаб тугал тафаккурга олиб келувчи интегратив, ёш ва индивидуал хусусиятларни ҳисобга олиб ўқитишга таянувчи адаптив, таълим олувчи ва тарбияланувчи шахси билан ўқитувчи (тарбиячи) муносабатидаги тенглик ва адолатлиликка бўйсунувчи инклузив каби педагогик технологияларнинг йўналишлари шаклланган. Уларнинг қамрови юқорида тилга олинган уч хил даражада бўлиши мумкин. Умумпедагогик

технология дунё таълим тизимининг барча илғор ва самарали элементларини ўзида жо этади ва кенг кўламда амалга оширилади. Бизнинг амалдаги узлуксиз ва ягона таълим тизимимизда умумпедагогик технология етакчи ўринни эгаллайди. Таълим турлари ва йўналишлари, ихтисослик ва мутахассислик таснифи ҳамда таълим муассасасининг ўзига хослиги асосида хусусий технология жорий этилади. Ўқитишнинг асосий ташкилий шакли бўлган дарс ва унинг бевосита давоми бўлган дарсдан ташқари ишларда кичик технологиялар қўлланилади ҳамда улар локал (маҳаллий) педагогик самарага олиб бориши лозим. Педагогик технологиянинг асослари. Педагогик технология энг мураккаб жараён-инсоннинг таълим-тарбияси билан шуғулланишда асосий восита бўлганлиги туфайли ҳам унинг асослари ҳам шахс мураккаблиги каби хилма-хилдир. Улар орасида тарихий, назарий, ижтимоий, фалсафий, методологик, педагогик, дидактик, физиологик, гигиеник, иқтисодий, мафкуравий, ҳуқуқий-меърий, амалий ва бошқалар фарқ қилинади. Умуман, педагогик технологиянинг вужудга келиши илмий жараён сифатида қаралади. Педагогик технология ўқув предмети ва фан сифатида ўзининг ҳаётдаги муносиб ўрнини эгаллаб бормоқда. «Педагогик технология», «Янги педагогик технологиялар», «Замонавий педагогик ва интерфаол технология», «Ахборот ва инновацион технологиялар», «Таълим технологияси», «Техника», «Маҳорат», «Ахборот технологияси», «Ахборот-коммуникация технологиялари», «Таълим методлари», «Тарбия методлари», «Педагогик маҳорат» каби атамалар, тушунчалар, маҳсус ва танлов курслари, ўқув предметлари шаклланиб ва уларнинг мазмун-моҳияти ўзгариб турмуш ва амалий фаолиятга шиддат билан кириб келмоқда. Умумпедагогик тушунчалар тизимида технология муаммосига илмий ёндашиш кучаймоқда. Педагогик технология ва педагогик фаолият ҳамда ўқитувчи профессиограммаси бир бутун жараён ёки ҳодиса тарзида тасаввур қилинади. Шу нуқ тай назардан, педагогик технология ва педагогик маҳорат ўзаро қондош-эгизакдир.

## REFERENCES

1. Djalilova S., Tursunboyeva L., Kazakhov R. ENGAGING ENGLISH LANGUAGE LEARNING THROUGH SPORTS //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 10. – С. 386-395.
2. Tursunboyeva L., Djalilova S., Kazoqov R. ABOUT TEACHING SPEAKING //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 10. – С. 376-385.

3. Kazoqov R. et al. MARKETING TIZIMINI TAKOMILLASHTIRISH ORQALI SPORT TASHKILOTLARI FAOLIYATI SAMARADORLIGINI OSHIRISH YOLLARI //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 10. – С. 572-578.
4. Aripov Y. Y. et al. PROFESSIONAL SPORTNI BOSHQARISH MODELLARI //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 10. – С. 597-587.
5. Jumayev U. X. et al. SPORT SOHASIDA MARKETING FAOLIYATINI RIVOJLANTIRSH //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 10. – С. 588-597.
6. Умаров Д. Х. и др. USE OF NATIONAL-SPIRITUAL VALUES IN EDUCATIONAL ACTIVITIES OF PRE-SCHOOL EDUCATIONAL INSTITUTIONS //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 10. – С. 455-462.
7. Керимов Ф. А. и др. ORGANIZATION OF SPIRITUAL AND EDUCATIONAL WORK IN PRE-SCHOOL EDUCATIONAL INSTITUTIONS AND FAMILY COOPERATION //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 10. – С. 463-470.
8. Kazoqov R. T. et al. USE OF NATIONAL-SPIRITUAL VALUES IN EDUCATIONAL ACTIVITIES IN EDUCATIONAL INSTITUTIONS //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 5. – С. 911-918.
9. Жумаев У. Х., Казоков Р. Т., Жумаев М. Х. ЗНАЧЕНИЕ ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В ПОДГОТОВКЕ СПЕЦИАЛИСТОВ В ОБЛАСТИ ФИС //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 12. – С. 789-796.
10. Казоқов Р. Т. и др. БАРКАМОЛ АВЛОДНИ ВОЯГА ЕТКАЗИШДА СПОРТЧИЛАРНИНГ МАСОФА СЕЗГИРЛИГИ МУАММОЛАРИ //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 12. – С. 797-803.
11. Pusatova M. D., Kazoqov R. T., Sultanova N. K. SPORTCHILARNING JISMONIY TAYYORGARLIGINI OSHIRISHDA ZAMONAVIY AXBOROT TEXNOLOGIYALARIDAN FOYDALANISH //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 12. – С. 585-591.
12. Азимова У., Казоков Р., Холматов Б. ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ФАНИНИ ЎҚИТИШДА ЯНГИ ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 12. – С. 592-598.
13. Пулатова М. Н., Казоков Р. Т., Султанова Н. К. МАФКУРАВИЙ ТАҲДИДЛАР ВА МИЛЛИЙ ТАРИХИЙ ТАФАККУР //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 12. – С. 130-138.

14. Чанкаев Ў. А., Казоқов Р. Т., Султанова Н. К. ЁШЛАРДА ТАФАККУР ТАНҚИДЧАНЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ АХБОРОТ-ПСИХОЛОГИК ТОБЕЛИК ПРОФИЛАКТИКАСИНинг МУҲИМ ШАРТИ СИФАТИДА //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 11. – С. 280-288.
15. Расулов А. Ф., Казоқов Р. Т. ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ МАШҒУЛОТЛАРИДА ИШТИРОКИ ВА ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИДА ЎРНИ //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 5. – С. 544-551.
16. Cho'lliyev S. I., Yuldasheva K. A., Kazakov R. T. THE IMPORTANCE OF MODELING SPORTS FOR SCHOOL-AGE CHILDREN IN PHYSICAL EDUCATION CLASSES //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 5. – С. 598-901.
17. Казоқов Р. Т., Холбоева Д. Р. КЕЙС-СТАДИ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ АСОСИДА ТАЛАБАЛАРНИ ПЕДАГОГИК МАҲОРАТИНИ ШАКЛАНТИРИШ //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 8. – С. 90-97.
18. Каримов Б. З., Казоқов Р. Т. БОШЛАНГИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ЖИСМОНИЙ РИВОЖЛАНИШИДА ҲАРАКАТ МАЛАКАЛАРИ ВА КЎНИКМАЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 8. – С. 32-39.
19. Казоқов Р., Джўрабаев А., Бўриев Б. Ёш футболчиларнинг техник-тактик тайёргарлигини ҳисобга олган ҳолда ўйин услубини такомиллаштириш //Sport ilm-fanining dolzarb muammolari. – 2023. – Т. 1. – №. 3. – С. 54-56.
20. Каримов Х. А., Казоқов Р. Т. ЯНГИ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ АСОСИДА ТАЛАБАЛАРНИ ПЕДАГОГИК МАҲОРАТИНИ ШАКЛАНТИРИШ //Modern Science and Research. – 2025. – Т. 4. – №. 1. – С. 439-447.
21. Kazaqov R. T. et al. ORGANIZATION OF SPIRITUAL AND EDUCATIONAL WORK IN PRE-SCHOOL EDUCATIONAL INSTITUTIONS AND FAMILY COOPERATION //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 5. – С. 902-910.
22. Курбанова Д. С., Казоқов Р. Т. БАДИЙ ГИМНАСТИКАЧИЛАРНИНГ БОШЛАНГИЧ САРАЛОВИ. – 2024.
23. Kazoqov R. T. QISQA MASOFAGA YUGURUVCHI SPORTCHI TALABALARNI HARAKATLANISH TEXNIKASINI BIOMEXANIK KO ‘RSATKICHLARDAGI KAMCHILIKLARNI ZAMONAVIY TEKNOLOGIYALAR YORDAMIDA

- BARTARAF ETISH HISOBIGA YUGURISH TEXNIKASI TAKOMILLASHTIRISH //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 11. – С. 271-279.
24. Buraimov I., Kazoqov R. XOKKEYCHILAR FAOLIYATINING FIZIOLOGIK XUSUSIYATLARI //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 11. – С. 49-56.
25. АСОСИДА ТАЛАБАЛАРНИ ПЕДАГОГИК МАХОРАТИНИ ШАКЛАНТИРИШ //Modern Science and Research. – 2025. – Т. 4. – №. 1. – С. 439-447.
26. Курбанова Д. С., Казоқов Р. Т. БАДИЙ ГИМНАСТИКАЧИЛАРНИНГ БОШЛАНГИЧ САРАЛОВИ. – 2024.
27. Kazoqov R. T. QISQA MASOFAGA YUGURUVCHI SPORTCHI TALABALARINI HARAKATLANISH TEXNIKASINI BIOMEXANIK KO ‘RSATKICHLARDAGI KAMCHILIKLARNI ZAMONAVIY TEKNOLOGIYALAR YORDAMIDA BARTARAF ETISH HISOBIGA YUGURISH TEXNIKASI TAKOMILLASHTIRISH //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 11. – С. 271-279.
28. Казоқов Р. Т. и др. БАРКАМОЛ АВЛОДНИ ВОЯГА ЕТКАЗИШДА СПОРТЧИЛАРНИНГ МАСОФА СЕЗГИРЛИГИ МУАММОЛАРИ //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 12. – С. 797-803.
29. Umarov D. X. et al. NATIONAL MOVEMENT FOR THE DEVELOPMENT OF PRIMARY CLASS STUDENTS' PHYSICAL PREPARATION USING GAMES //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 2. – С. 732-741.
30. Umarov D. X. et al. THE EFFECTIVENESS OF USING A SET OF SPECIAL EXERCISES IN ANNUAL PREPARATION TRAINING OF SHORT-DISTANCE RUNNERS //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 2. – С. 742-753.
31. Jumayev U. X. et al. " PEDAGOGICAL EDUCATION INNOVATION CLUSTER" MEANS COMMON GOALS AND SPECIFIC INTERESTS //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 2. – С. 552-560.
32. Turopovich K. R., Rixsibayevna D. S. ENHANCING ENGLISH LANGUAGE LEARNING THROUGH PEDAGOGICAL TECHNOLOGIES. – 2024.
33. Kazakov R. T. et al. MULTIMEDIA SYSTEMS AND DISTANCE LEARNING TECHNIQUES IN SPORTS SOX //Modern Science and Research. – 2023. – Т. 2. – №. 9. – С. 99-105.

34. Казоқов Р. Т. и др. МАМЛАКАТИМИЗ ЯНАДА ЮКСАЛИШИДА БОЛАЛАР СПОРТИНИНГ ЎРНИ //Академические исследования в современной науке. – 2023. – Т. 2. – №. 9. – С. 5-11.
35. Казоқов Р. Т. и др. ПЕДАГОГИКА ОЛИЙ ТАЪЛИМДА КЕЙС-СТАДИ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ АСОСИДА ПЕДАГОГИК МАҲОРАТИНИ ШАКЛАНТИРИШ ЮЗАСИДАН ТАЖРИБА-СИНОВ ИШЛАРИНИНГ НАТИЖАЛАРИ //Академические исследования в современной науке. – 2023. – Т. 2. – №. 6. – С. 111-115.
36. Казоқов Р. Т. Кейс стади технологияларидан фойдаланиб талабаларнинг масофавий таълим технологиялари асосида педагогик маҳоратини шакллантириш //Замонавий футболни ривожлантириш тенденциялари: муаммо ва ечимлари. – Т. 11. – №. 1.
37. Jumayev U. X. et al. " PEDAGOGICAL EDUCATION INNOVATION CLUSTER" MEANS COMMON GOALS AND SPECIFIC INTERESTS //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 2. – С. 552-560.
38. Казоқов Р. Т., Мирзабиллаева А. И., Мирзабиллаева Х. И. МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ТАРБИЯВИЙ ТАДБИРЛАРДА МИЛЛИЙ-МАЊИАВИЙ ҚАДРИЯТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ //Академические исследования в современной науке. – 2023. – Т. 2. – №. 8. – С. 29-34.
39. Казоқов Р. Т. и др. ПЕДАГОГИКА ОЛИЙ ТАЪЛИМДА КЕЙС-СТАДИ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ АСОСИДА ПЕДАГОГИК МАҲОРАТИНИ ШАКЛАНТИРИШ ЮЗАСИДАН ТАЖРИБА-СИНОВ ИШЛАРИНИНГ НАТИЖАЛАРИ //Академические исследования в современной науке. – 2023. – Т. 2. – №. 6. – С. 111-115.
40. Kazoqov R. T., Djurabaev A. M. Kredit modul tizimi nima //Ta'limni raqamlashtirish sharoitida pedagog kadrlarni qayta tayyorlash va malakasini oshirish. – 2021. – Т. 4. – №. 4. – С. 198-206.
41. Давурбаева М. Ж., Казоқов Р. Т., Мадаминов М. П. ТАЛАБА ЁШЛАРНИНГ МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ ОЛИШДАГИ БИЛИМ ВА КЎНИКМАЛАРИНИНГ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА ИНТЕРНЕТ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ АХАМИЯТИ //Академические исследования в современной науке. – 2023. – Т. 2. – №. 5. – С. 26-31.

42. Давурбаева М. Ж., Казоқов Р. Т., Мадаминов М. П. ТАЛАБА ЁШЛАРНИНГ МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ ОЛИШДАГИ БИЛИМ ВА КЎНИКМАЛАРИНИНГ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА ИНТЕРНЕТ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ //Академические исследования в современной науке. – 2023. – Т. 2. – №. 5. – С. 26-31.
43. Казоқов Р. Т. и др. КАСБИЙ ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШДА ИЛГОР ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАШНИНГ АҲАМИЯТИ ВА ЗАРУРАТИ //GOLDEN BRAIN. – 2024. – Т. 2. – №. 8. – С. 69-77.
44. Казоқов Р. Т., Жўракўзиев О. О., Эшпўлатов С. С. СПОРТ МУАССАСАЛАРИДА ТАРБИЯВИЙ ТАДБИРЛАРДА МИЛЛИЙ-МАЊАВИЙ ҚАДРИЯТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ //Академические исследования в современной науке. – 2023. – Т. 2. – №. 13. – С. 238-248.
45. Казоқов Р.Т., Бўриев Б.Ў., Абдиев Б.Ш., Джўрабаев А.М., Туропов А.Р.КУРАШ МИЛЛИЙ СПОРТ ТУРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ // МИЛЛИЙ КУРАШ ТУРЛАРИ ВА УЛАРНИНГ НАЗАРИЙ-АМАЛИЙ МУАММОЛАРИ. - 2023. – Т. 1. – №. 2. – С. 161-163.
46. Rasulov A. The current situation in the district of lower zarafshan plant species-eco-indicator //ASIAN JOURNAL OF MULTIDIMENSIONAL RESEARCH. – 2021. – Т. 10. – №. 4. – С. 304-307.
47. Rasulov A. S. et al. CHUQURLASHTIRILGAN IXTISOSLASHUV BOSQICHIDA FUTBOLCHILARNING TEZKOR-KUCH SIFATLARINI RIVOJLANTIRISH //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 11. – С. 307-316.
48. Турдубеков У. Б., Расулов А. С., Исмоилов А. А. МЕТОДОЛОГИЧЕСКИЕ ВОПРОСЫ ЭФФЕКТИВНОГО ИСПОЛЬЗОВАНИЯ РЕСУРСОВ РАЗВИТИЯ ФИЗИЧЕСКОЙ КУЛЬТУРЫ И СПОРТА //GOLDEN BRAIN. – 2023. – Т. 1. – №. 1. – С. 218-224.
49. Rasulov A. Development of Speed-Strength Qualities in Football Players at the Advanced Specialization Stage //Web of Humanities: Journal of Social Science and Humanitarian Research. – 2025. – Т. 3. – №. 1. – С. 129-133.
50. Panji o'g'li B. A., Saidmurod o'g'li R. A. MARKETING STRATEGIYASINI BAXOLASHNING MEZON VA USULLARI //INTERNATIONAL JOURNAL OF SCIENCE AND TECHNOLOGY. – 2024. – С. 585-597.

51. Panji o'g'li B. A., Saidmurod o'g'li R. A. MARKETING STRATEGIYASINI BAXOLASHNING MEZON VA USULLARI //INTERNATIONAL JOURNAL OF SCIENCE AND TECHNOLOGY. – 2024. – C. 585-597.
52. Saidmurod o'g'li R. A. et al. SPORT MENEJMENTIDA BOSHQARUV PRINSIPLARI //Ustozlar uchun. – 2024. – T. 57. – №. 2. – C. 369-376.
53. Raxmatovich M. F. et al. THE STRATEGY FOR DEVELOPING MASSIVE SPORTS IN UZBEKISTAN. – 2022.